



МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ



Қонунда **“манфаатлар тўқнашуви”** ва **“шахсий манфаатдорлик”** тушунчаларига аниқ таърифлар кўрсатиб ўтилди



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасида махсус **ваколатли давлат органи** этиб белгиланди

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ходимлар томонидан ошкор этиш **2 шаклда** амалга оширилади



мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги **хабарнома бериш** орқали



эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги **декларация тўлдириш** орқали

Ходим томонидан қонун талабларига риоя этилишини ўша давлат органи ёки ташкилотда тузилган **одоб-ахлоқ комиссияси** назорат қилади



Ходим манфаатлар тўқнашувига дуч келганида **1 иш куни ичида** манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарномани тўлдириши ва ўзининг бевосита раҳбарига ёки махсус бўлинмага тақдим этиши шарт

Махсус бўлинма кўрилган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун ахборотни **3 иш куни ичида** одоб-ахлоқ комиссиясига тақдим этади

Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан кўрилатган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади

Давлат органлари ёки бошқа ташкилотларда **Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестри** юритилади

Қонун қабул қилинган кундан 6 ой ўтгач кўчга киради

Манба: ЎРҚ-931-сон, 05.06.2024 й.

МАВЖУД МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИДА:

1

Ходим манфаатлар тўқнашувидан хабар топгандан **1 иш кунид**а хабарнома тўлдиради ва бевосита раҳбарига ёки **Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига** тақдим этади

2

Раҳбар хабарнома асосида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш **чораларини кўради**

3

Коррупцияга қарши ички назорат бўлими чораларнинг етарлилиги масаласини кўриб чиқиш учун ахборотни **3 иш кунид**а **одоб-ахлоқ комиссиясига** беради

4

Одоб-ахлоқ комиссияси чораларнинг етарлилиги еки етарли эмаслиги бўйича **хулоса қабул қилади**

ЭЎТИМОЛИЙ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИДА

1

Декларацияларни таҳлил қилиш асосида

Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари (ва) ёки кадрлар бўлинмалари:

Ҳар йили эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви бўйича декларация **15 январга қадар тўлдирилади, 16 февралга қадар умумлаштирилади ва 1 мартга қадар аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан одоб-ахлоқ комиссиясига тақлиф киритилади**

2

Бошқа лавозимга тайинланганда берилган декларацияни таҳлил қилиш асосида

Коррупцияга қарши ички назорат ҳамда Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимлари:

Бошқа лавозимга тайинланаётган **ходим эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдиради**. Тартибга солиш юзасидан қабул қилинган қарор **одоб-ахлоқ комиссиясига уч иш кунид**а тақдим этилади. Одоб-ахлоқ комиссияси қурилган чора етарлилиги еки бошқа чора кўриш юзасидан **хулоса қабул қилади**

3

Алоқадор шахслар тақдим этадиган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация

Коррупцияга қарши ички назорат ҳамда Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимлари:

Ходимга алоқадор шахслар (яқин қариндошлари, таъсисчилар, акциядорлар) ходим ишлаётган давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар билан муносабатга киришганда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдиради. Ташкилотнинг **Коррупцияга қарши ички назорат бўлими** манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чоралари юзасидан одоб-ахлоқ комиссиясига киритади.



Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви бўйича одоб-ахлоқ комиссиясига чораларнинг етарлилигини таъминлаш учун тақлиф киритади



Одоб-ахлоқ комиссияси эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича хулосани раҳбарига беради



Ходимнинг бевосита раҳбари тартибга солиш чорасини кўради